



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, [qumhok@exat.uz](mailto:qumhok@exat.uz)

20 -yil 23 -mарт

К-407 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “BUYRABOV MIRISHKORLARI 777”  
номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган  
фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер  
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи туман комиссиясининг 2021 йил 12 мартдаги 6-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОП ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи туман комиссиясининг 2021 йил 12 мартдаги 6-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Ш.Джумаев бошлиқ “BUYRABOV MIRISHKORLARI 777” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Қумқўрғон” массиви “Ачамойли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасида 114к, 115, 116-дала контурлардан жойлашган жами 40,0 гектар, шундан 39,0 гектар суғориладиган экин ер майдони, 0,77 гектар ариқ, 0,23 гектар йўл ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Ш.Бўтаевга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хошишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.


7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Қулиқўрғон туман комиссияси

Р. Гаппаровга

Агар юстиция маҳалласида  
ёшловчи фуқаро Исумаев

Илуҳрат томонидан

99-585-24-74

Ариза

Ёшловчи Исумаевнинг аризага шўх қон-  
дакми менга Қулиқўрғон маҳалласи  
қудудидан қокта - талаб қилинган  
Исумаевнинг бўйига ўтказилган  
маҳаллада шайтон ва шайтонга  
руҳом берилмишига сурайман  
дсб

Исумаев Илуҳрат

Қўлиб

11.03.2011

SAHIFALAR SONI	1
KIPI SH №	622/01-41
SANASI	11.03.21



**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох кўчаси 3- уй

2021 йил « 11 » март

Қумқўрғон тумани

№ 192

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туман “Ачамойли” маҳалласида яшовчи фуқара Жумаев Шухратга ғалла-пахтачилик фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.

### ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, фуқаро **Жумаев Шухратга** фермер хўжалик юритиш учун ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон тумани фермерлар Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Талабгорнинг қишлоқ хўжалигида иш стажи 15 йил, қишлоқ хўжалигида тажрибаси бор.
2. Маълумоти ўрта
3. Талабгорнинг 1 бош сигир, 5 бош қўйи мавжуд.
4. Талабгорнинг техникаси мавжуд эмас.
5. Талабгорнинг 10 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
7. Талабгорнинг 0,21 га мавжуд томорқасида сабзаёт ва озуқа экинлари экиб, самарали фойдаланиб келмоқда.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Қумқўрғон тумани “Ачамойли” маҳалласида яшовчи **Жумаев Шухратга Қумқўрғон** ҳудудидан ғалла-пахтачилик фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси:**

622/01-41

11.03.2021 й



**А.Самадов**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, [qumhok@exat.uz](mailto:qumhok@exat.uz)

20<sup>21</sup>-yil “ 1 ” март

Қ-302 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “SURXON TOLASI” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ихтиёрида бўлган ерларни қисман туман ҳокимлиги захира ер майдонига олиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг IV-боб, 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг VI-боб, 32-моддасига, тумандаги “SURXON TOLASI” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи Б.Тўрамуродовнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. “SURXON TOLASI” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи Б.Тўрамуродовнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

2. Тумандаги “SURXON TOLASI” номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг ихтиёрида бўлган “Ачамойли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасида 114қ, 115, 116-дала контурлардан жойлашган жами 40,0 гектар, шундан 39,0 гектар суғориладиган экин ер майдони, 0,77 гектар ариқ, 0,23 гектар йўл ер майдони туман ҳокимлиги захира ер майдонига қайтариб олинсин.

Бундан кейин “SURXON TOLASI” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг “Ачамойли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасида 119, 122, 124, 125, 128, 145-дала контурларида жами 51,44 гектар, шундан 43,89 суғориладиган экин ер майдони, 2,03 гектар бўз ер майдони, 5,23 ариқ, 0,29 гектар йўл ер майдони этиб белгилансин.

3. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга “SURXON TOLASI” номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига